



1916 йилги Туркистон миллий кўзғолони



Биринчи жахон уруши Туркистонда миллий гурур уйғонишига восита бўлди. Миллий доиралар Русия урушни бой берса, императорлик таркалиб кетади, деган умидда эди. Натижада Туркистоннинг хурриятга эришуви енгиллашарди. Урушда Урусиянинг огир ахволга тушиши Туркистонда миллий озодлик ҳаракатининг фаоллашишига имкон берди. Миллий ҳаракат раҳбарлари (Туркистонда ислохотчилар, Дашт бош волилигида Алаш Ҳўрдачилар) миллий-озодлик ҳаракатини бошлаш учун баҳона излашди. Руслар амалга оширган баъзи тадбирлар ана шу баҳона вазифасини ўтади.

1916 йил феврилида рус матбуотида, айниқса, «Туркестанские ведомости» газетасида ҳозиргача ҳарбий хизматга олинмаган ёт миллатларни мардикорликка сафарбар қилиш ҳақидаги рус ҳукуматининг хабари таркатилди. Бу Туркистонда жуда шиддатли ҳаракат-ларга туртки бўлди. 1916 йил май ойида жаҳидларнинг етакчи раҳбарларидан бўлган Маҳмудхўжа Бехбудийнинг уйида (Самарқандда) Туркистон миллий доирасидагилар йиғилди. Йиғилишга жаҳидларнинг йўлбошчиларидан Мунаввар Қори, Пахлавон Ниёз, Усмонхўжа, Қори Қомил ва Обиджон Маҳмудлар иштирок этишиб, Туркистондаги ахволни таҳлил қилдилар. Йиғилишда туркистонликларни жабҳа ортидаги хизматга сафарбар қилинишига норозилик сифатида кўзғолон бошлаш ва Туркистоннинг озодлигини талаб қилиш лозимлиги қарорлаштирилди (Яэшка, Лозан;

Togan, Bugünkü, 478-6.). Сафарбарлик хакида туркистонликлар орасида бир хил фикр йўқ эди. Туркистон бош волилигидагилар хар кандай сафарбарликни инкор килгани холда, Дашт бош волилигидаги Алаш Ўрдачилар Алихон, Бўкейхон ва Ахмад Бойтурсун каби миллий ҳаракат раҳбарлари Оврўпоча курул ва уруш усулларини ўрганиш учун кулай фурсат етишди, деб ҳисоблаб, козок-туркларининг рус кўшинида ҳарбий хизмат ўташини ёқлаб чиқдилар. Бундан ташқари, урушга катнашиш йўли билан ер муаммосини ҳал қилиш (кўчманчиларни ўтроқлаштириш йўли билан тортиб олинган ерларни қайтариш) ва бошқа масалаларга диққатни тортишни хоҳдардилар(І Думага (1906) Туркистондан биронта ҳам миллат вакили олинмади. І Думага Туркистон бош волилигидан 7 рус ва 6 туркистонликни сайлашга рухсат берилди. 11 Думадаги туркистонлик миллат вакиллари: Нурберди Махмуд Кулихон (Хазар вилояти), Тошпўлат Абдулхолик Жалилўгли (Самарканд), Мухаммаджон Тинишпаев) - Тинишбай, (Еттисув вилояти), Солихдсон Мухаммаджонўгли (Фаргона), Валиуллох Оллоберган ўгли [Сирдарё], Абдувоҳид Кори (Тошкент). Киёсланг: Hayit, Die Nationalen. Regierungen, 1950,12-6. 47; В.А. Пиясковский, Революция 1905 - 1907 Туркестане. Москва: 1958, 535 - 536 б. Дашт бош волилигидан қуйидагилар мил-лат вакили бўлдилар: Алихон Бўкейхон, Бахтжон Коратой, Калмин Алкишбай, Ахмад Пиримжон, Шохмардон Кишчикул. III ва IV Думага Туркистондан яна ҳеч ким олинмади. Киёсланг: Пиясковский, Революция, 537-6. Думанинг мусулмон бўлими туркистонликларсиз, бошқа миллат мусулмонларидан ташкил топди.).

1916 йил 9 июлда рус ҳукумати ёт миллатларни жабҳа хизматлари учун жалб қилиш хақидаги ок подшонинг амрини тарқатди(Baysun, Turkestan, 1945,18-19-6.). Руслар Туркистон бош волилигидан 250000, Дашт бош волилигидан 234055(Карор номига доир матн: Benring, 117 - 118 б. УТ, 1936, No 80-81 сакланмокда, 11-бет. Плассковский, Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстана. Сборник документов. - Москва: 1960, 25 - 26 бет-ларда эълон қилинган.) туркистонликларни сафарбар қилиш ниятида эди. Фармон тенг ҳуқуқли ватандош муносабатини сира кўрмаган туркистонликлар учун навбатдаги таҳқир бўлиб туялди. Императорликда уруш қонунлари ҳоким эди. Туркистон Давлат думасига ўз миллат вакилини сайлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган, уруш давомида Туркистон зулукдек сўрилган эди. Ана шундай бир шароитда, миллатлар орасида мутлақо ҳуқуқий тенгсизлик ҳукм сурган холда рус ҳукумати Русияни қутқариш учун ёт миллатлардан ярим миллион кишини сафарбар қилишга журъат этди. Табиийки, Туркистон халқи каттик қаршилик кўрсатди. Бу фармонга қарши намоёиш халқнинг норозилик белгиси эди. Руслар намоёишчини ўққа тутиши эса хар қанақасига ўлимга ҳукм қилинганини халқни кўлига тушган нарсаси билан (тош, таёқ ва болта) бош кўтаришга олиб келди. Шундай қилиб, 1916 йил июлининг бошида миллий кўзголон бошланиб кетди. Хўжанд шаҳри кўзголоннинг маркази бўлди. 16 июлда Хўжанд полицияси бошлиғи Устимович сафарбарликка ҳозирлик кўриш учун маҳаллий оксоқолларни тўплади ва аскарликка олиниши лозим бўлган шахслар рўйхатини тайёрлашни талаб қилди. 16 июль окшоми-да маслаҳат учун Шайх жомесида йигилган ЮООга яқин киши Устимовичдан рўйхат тузишдан воз кечишни талаб қилишди. 17 июлда исёнчилар вилоят раиси Мирзабаходир Мирзақосим ҳузурига бориб, рус масъулларидан сафарбарлик режаларини тўхтатиши хақида орага тушишни сўрадилар. Устимович кўзгалганларни тарқатишга уринди, аммо омма шаҳарнинг рус маҳкамалари жойлашган қисмига юра бошлади. Бир рус айбномасининг таъқидига кўра, баъзи намоёишчилар «Хуррият», «Хуррият!» шиорини ўртага ташлаб, бошқа сафдошларини жасоратга

ундадиларм(Сирдарё вилоятидан 87 000, Еттисувдан 60 000, Фаргонадан 50 000, Самарканддан 38 000, Хазар туманидан 15 000 киши сафарбар килинди. Каранг: Плассковский, Восстание, 77-6.).

Намойишчилардан Жўра Азимбой билан Кора Олимхон полицияга хужум килди. Устимович намойишни ўққа тутишни буюрди ва кўшиндан ёрдам сўради. Полиция ва шошилиш кўшиндан келган қисм ўт очиб, намойишни тарқатиб юборди. 18 июлда 2000 киши Ургутда кўзголон кўтарди, 20 июлда Мулла Усмон Абдурасул бошчилигида Самарканд вилоятидаги Дағбита кўзголон бошланди. Бу қуролсиз кўзголончиларга қарши 150 аскар юборилди. Кўзголон 26 июнда Жиззахда ўзгача тус олди. Бу ердаги кўзголонни 68 ёшли Абдурахмон Живатши (Абдурахмонхўжа Абдугаффор ўғли) Чоржўй бегининг ўғли (отаси рус босқинига қарши курашда ўлган) ва Эшон Носирхўжа бошқардилар. Кўзголончилар Живатшини бек қилиб сайлади. Зомин ноҳиясида Эшон Қосимхўжа «жиход» эълон қилди. Сансар қишлоғидаги кўзголонга ака-ука Жонкул ва Тўракул Турдибеклар етакчилиқ қилди. Шундай қилиб, мустанкилик ҳаракати бошланди. Ҳаракатнинг шиори «Оқ подшо ва руслар йўқолсин!», «Муслимонларга ҳурият берилсин!», «Биз ислом давлати қурамыз!» каби эдим (Оқмўладан 48 316, Семипалатинскдан 85 479, Уралдан 50 270 ва Тўрғайдан 50000га яқин одам сафарбар қилинди. Қиёсланг: Х.Турсунов, Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане. - Ташкент: 1962,193-6.).

Кўзголончиларга қарши подполковник (Ёрбой) Иванов ва Попенгут қўмондонлигидаги қисмлар юборилди. Жиззахда руслар, айниқса, дахшатли қатли ом қилишди(Булар: Абдумадмин, Дадабой Машарифўғли, Яхё Қори Олимжон, Эшон Мирза Ўрунлардир.). Осиё ва Африкадаги мустанлақчилиққа қарши бу тун миллий-озодлик ҳаракати тарихи давомида бунга ўхшаш, қиёслаш мумкин бўлган ҳодиса топилмас эди. Жиззах кўзголови 7 августидеги бостирилди. Руслар халқ орасидан 184 кишини ажратиб олиб, қатл қилдилар. Бу билан ҳам руслар Туркистон халқини қўрқитиб ололмадилар. 1916 йил июль-август ойларида Туркистоннинг турли бурчакларида кўзголон шамоли эсиб турди(Турсунов, Восстание, 235-6; Benring, Das Türkistanische Volk, 121-6: «Туркистон мустанкил бир ўлка сифатида эълон этилиши керак эди»). 1916 йил кўзголови Туркистондаги бўлиб ўтган бошқа халқ ҳаракатларига нисбатан барча синф ва табақаларининг ва бутун Туркистон вилоятларининг иштирок этиши билан ажралиб туради ва шунинг учун ҳам том маънодаги миллий-озодлик кўзголови ҳисобланади. Туркистон учун умид билан тўлган, Россия учун қўрқинч солган бу кўзголон бир қанча қишлоқларнинг ҳаракати билан майдонга келди. Аммо кўзголонни бир марказдан бошқарувчи раҳбарият йўқ эди. Чунки полиция ва ҳарбий назорат остида узок қишлоқлардаги кўзголон раҳбарлари орасида алоқа ўрнатиш мумкин эмас эди. Кўзголон яшин тезлигида майдонга келди. Русларнинг ақс ҳаракати ҳам шундай тезқорлик билан бўлди. Россия ташқи ишлар нозири ёрдамчиси Д.А.Фролов 1916 йил 26 июлда кўзголонни бошлаган асосий айбдорларни шафқатсиз жазолаш ҳақида буйруқ берди. 20 августдан Туркистон бош волиси Куропаткин, Дашт бош волиси Н.А.Сухомлинов ўз ўлкаларидаги кўзголонни бостиришга шахсан қиришдилар. Рус қуролли қўшнларига дош бериш имқонига эга бўлмаган кўзголончилар жасорат қўрсатишига қарамай, мағлубиятга учрадилар. Ташқаридан ёрдам қутадиған ҳамқори йўқ эди. Шунинг учун русларнинг, Германия ва Туркия кўзголонга туртки берди ва уни қўллаб-қувватлади, деган даъволари ўзини оқлай олмайдиған қуруқ сафсата эди. Кўзголонни бостириш 1917 йил 8 февралигача давом этди. Шу билан бирга 1917 йилнинг охирига қадар Тўрғай ўлкаси ва Чотқол

тоғларида кўзголон чўзилди. Куропаткиннинг окподшога юборган 1917 йил 22 февраль хисоботидан кўринадик, Туркистон бош волилигида кўзголонни бостириш учун 14 батальон, 37 казак юзлиги, 42 тўп ва 69 тўпчилар катнашган. Руслардан 97 киши ўлган, 86 аскар ярадор бўлган, 76 харбий гойиб бўлган. Кўчиб келган руслардан [колонизаторлардан] 2325 киши ўлдирилиб, 9000 оиланинг рўзгори таланган (Дума миллат вакили Жафаров думанинг 1916 йил 13 декабрь йиғинида шундай дейди: «Жазо бирликлари Жиззах туманининг энг ичкарисигача кириб борди ва маҳаллий тўн кийган хар бир кишини ўлдирди». Жазо қисмларига йўлда учраган туб халқни ва қишлоқни йўқ қилиш буйруғи берилган эди. Қиёсланг: Турсунов, Восстание, 248-6. Турсунов хар эҳтимолга қарши Жиззах кўзголонини «рус ва ўзбек халқлари орасидаги дўстликка зарар келтирган» лигидан қелиб қиқиб, уни халқ ҳаракати сифатида қабул қилмайди ва уни нотўғри ҳаракат деб билади. Жиззахнинг эски қисми ер билан яқсон қилинди. Жиззах атрофидаги 50 қишлоқнинг қули қўққа совурилди. Қиёсланг: Benzing, Das turkestanische Volk, 121-6. Жасадларни йиғиштириш учун олмонийлик ва австриялик асирлар сафарбар қилинди. Қиёсланг. УТ. 1936, № 80-81, 15-24-6.). Кўзголонни бостиришда қўшиндан ташқари рус қолонистлари (қўчиб келганлар) ҳам иштирок этди. Масалан, 1916 йилги Еттисув кўзголонини бостиришда 26000 қўчириб келган рус, Сирдарё ўлкасида 1770 қўчирман руслар, Фарғонада 1000 қўчирман руслар қуролланган ҳолда катнашганлар. 1917 йил январь ва март ойлари орасида эса 5950 қўчирман рус қолонизаторлари қуроллантирилган (Туркистон бош волиси Куропаткин подшо Николай II га 1917 йил 22 февралда жўнатган хисоботидан билинишича, кўзголон қуйидаги нуқталарда авж олган: маркази Жиззахда бўлган Самарқанд вилоятида, Сирдарё вилоятида (Маркази Тошкент, 1916 йил июль ойидаги кўзголон), Фарғона вилояти (кўзголон 22 июлда Андижонда ва 30 июлда Аштда бошланган), Еттисув вилояти, (Олма-ота ва Пишпак туманининг 17 ерида 2 августда), Хазар ўлкасининг Атрек туманида (15-16 август 1916 йил). Яна тўлиқроқ маълумот учун). Дашт бош волилигида русларнинг йўқотишлари ҳам кам бўлмаса керак, зеро, бу ерда ҳам озмунча жанглар бўлмади.

Кўзголонни бостириш асносида руслар «Ерлик халқ шуни яхши билиши керакки, оқизилган ўрус қонининг интиқоми факат айбдорларни қотиш билан тугамайди, балки ерларини мусодара қилиш билан давом эттирилади», деган шиор билан ҳаракат қилдилар (Пясковский. Восстание, 97-6.; УТ, 1936, №80-81, 12-6. Кўзголончиларга қарши урушга қирган рус аскарларининг миқдори ҳақида Куропаткин берган маълумот шубҳалидир. Сапарғалиев, Қарателъная политика қаризма в Казахстане 1905 - 1917 гг., Алма-Ата 1966, 61-бетда Еттисувда 1916 йил августда 8750 рус қиёда аскарлари, 3900 казак суворийлари, 16 тўп, 47 замбарак борлигини қайд қилган. Дашт волилигида кўзголончиларга қарши ҳдқратда доимий қўшиндан 21 бўлинма, 22 казак бўлими, 14 тўп, 17 замбарак юборилди. Қиёсланг: Сапарғалиев, О подавление восстание 1916 года и его последствиях, И АН Каз, СО, 1967, 16-6.). Кўзголончиларга инсофсизларча муносабатда бўлдилар. Кўзголон иштирокчиси қўлга тушган захоти ўлдирилаверди. 1916 йил 16 августда Куропаткин жазо отрядига кўзголончиларни ўлдириш билан бирга уларнинг отларини, мол-мулкларини ва ерларини мусодара қилишни буюрди. Жазо отряди, айниқса, Пишпак ва Прежевалский (Қоракўл)да қутурди ва 30 000 дан ортиқ қирғизнинг боши қетди (Сапарғалиев, Қарателъная политика, 73 - 74 6.). Қирғинда кўзголончиларгина эмас, балки кўзголонда катнашмаганларнинг ҳам шўри қуриди. Уларнинг миқдори анчагина бўлса керак, қунки улар кўзголон пайтидаги жангда ҳам,

жазо отряди киргинида(Куропаткин подшога жўнатилган хисоботидан. Киёсланг Пясковский. Восстание, 97-6.) ҳам талафот кўрдилар. Масалан, козоклардан жами каранг: Пласковский, Восстание, 87 - 100 б; Куропаткин хар бир вилоятдаги кўзголон нукталари учун махсус харита тайёрлаган эди. Бу харита хднузгача ушбу кўзголон билан боглик бўлган шўро таджикотларида эълон килинмади. Дашт бош волилигида кўзголоннинг бошланиши хакида каранг: Пласковский. Восстание, 485 - 634 б. (рус маҳкамаларининг ахбороти).

673000 киши ўлдирилганлиги кайд килинган(Усенбаев. Восстание 1916 года в Киргизии, - Фрунзе: 1967, 223-6.). Кўзголон батамом бостирилгач, йўлбошчилардан 347 киши ўлимга, 228 киши огир камок жазосига ва 129 киши озодликдан махрум этишга ҳукм килинди. Ҳукм тўлиқ ижро этилди. Еттисувдаги жазо тадбирлари натижасида аҳолининг юздан ўттиз қисми йўқ килинди(Рус жазо қисмларининг жазо бериш усулларнинг баъзиларини Сапарғалиев, Карательная политика, 297 - 358 бетларда келтирган.). Кўзголон давомида кўрсатган садоқатлари туфайли рус кўчирманлари (колониистлари)га Жиззах вилоятида 2000, Еттисув ўлкасида 2510777 гектар ер ҳадя килинди. 168000 туркистонлик шўринг кургурлар Сибирга сургун килинди. 300000га яқин козок ва киргизлар Шарқий Туркистонга қочишга мажбур бўлди. Бутун Туркистон катта харобага айланди. Кўзголон айна ҳосил йигими пайтига тўғри келганлиги учун тезда очарчилик бошланди. Русия рус ҳукуматига ва итоат маъносида хар бир маҳаллий шахс рус зобитини кўрганида тўхтаб, тиз чўкиб саломлашиши кераклиги хакида фармон чикарди. Кўзголоннинг натижаси хакида рус ижтимоий ислохотчиларининг бошчиларидан Керенский 1916 йил 13 декабрида Думада рус ҳукуматига шундай айбнома қўйди: «Харакатдаги уруш жабахалари ёнига Туркистон жабахаси ҳам қўшилди... Бу ерлар: Туркистон, киргиз (Козок) ва Дашт ўлкалари, Тула ёки Тамбов вилоятлари эмас. Уларга инглизлар ва французларнинг ўз мустамлакаларига қараган кўзи билан боқиш керак»(Рискулов, Из истории борьбы! НВ., 1942, №6 267 - 269 бет; Аб-дул Кодир (Инон), 1916 сана Туркистон умум қиёмати. «Янги Туркистон» жаридаси, Истанбул, 1928, № 2-3, 17-6. Куропаткин 1 февраль 1917 йили ўлим жазосини тасдиқлади. Киёсланг: XX 48-6. Кўзголондан олдин Олмаота, Ёркент, Пишпак, Қоракўл ва Лепсида 89864 оила яшарди. Кўзголон бостирилгач, факат 30787 оила қолди (йўқотиш 59077 оила эди. Киёсланг: Темирўгли. Туркистондаги 16 йилги кўзғалиш. УТ. 1931, № 24, 11-17-бет.

Руслар томонидан бош воли Куропаткин ҳам иштирок этган туркистонликлар йигинида адвокат Убайдул-лахўжа нуткида қуйидаги дашномлар айтилди:

«Дастлаб бу ерга (Туркистонга - муаллиф) рус жами-ятининг факат қуйи табакалари: виждонсизлар, ўғрилар ва мустамлакачилар келди. Эндигина асл рус зиёлиларини таний бошладик. Барибир мамлакатимизда ҳамон ўғрилар ҳукм сурмоқдалар»(Spuler, Geschichte. 276-6.; Усенбаев. Восстание, 236-6.). Тошкентда бўлган бу йигинда руслар, жумладан, Куропаткин ҳам бу фикрга жавоб айтолмай сукут сақладилар.

1916 йилги Туркистон миллий кўзголови рус императорлиги тарихида мисли қўрилмаган ҳолат эди. Туркистон миллий қураши хуррият учун жасурлик ва ирода қатъияти намоён бўлган қонли қураш эди. Туркистоннинг бу иродаси аскар ва қурол воситасида қонга ботирилди. Аммо кўзголон қор Русияси емирилишини тезлаштирди. Қор Русияси кўзголонни бостирди, аммо ўзини қутқара олмади, йиқилди.

1916 йилги Туркистон кўзголови ҳозирга қадар жуда қўп таджикот ва изланишларнинг мавзуси бўлиб қелмоқда(Турсунов, Восстание, 200-6.).

Бу кўзголоннинг сабоқлари ва натижаси шуни кўрсатадики(Кўзголонга бағишланган

Муаллиф:

28.02.2024 22:28 - Янгиланди 28.02.2024 22:42

Оврўпода илк тўплам Naval Staff of Admiralty, Amanual of the Turanians and Panturanizm, Oxford, (1918, 234 - 289) эди. Ундан кейин олмон тилида 116 - 157 бетлар. Бошка бир тадқиқот бирлашган араб давлатларида яратилган: 1916, 1954: туркча Togan, Bugünkü 336 - 345 б. асари юзага келди. Шўро итти-фоки тарихчилари кўзголон муаммолари билан жуда кенг микёсда шугулланишди. 1950 йилгача бўлган илмий ишларда кўзголоннинг миллий характери ва антиимпериалистик мохияти кўрсатиларди. 1950 йилдан эътиборан максоди озодлик бўлган бу кўзголон тараккийпарвар, аммо русларга қарши булганлиги учун уни реакцион деб баҳолай бошладилар. Бу тадқиқотлардан ташқари қуйида зикр этилган шўро тарихчилари воқеаларга таянган ҳолда фикр билдирмоқдалар: Войко Восстание. 1916 года в бившем Туркестане. - Ташкент: 1936; Галузо-Бойко, Восстание 1916 года в Средней Азии, - Москва-Ташкент: 1832; Рискулов, Восстание туземцев Средней Азии в 1916 года. Кизил-Орда, 1927; Ўша муаллиф, Восстание туземцев Киргизстана. - Москва: 1937; Бройдо, Материали к истории восстания Киргиз в 1916 году, НВ, 1924, №6; Харламов, Восстание тургайских казак-киргизов в 1916-17 годах Кизил-Орда; Сулейманов, Восстание: Ершов-Филиппов, Восстание 1916 года в Туркмении. - Ашхабад: 1938; Галузо, Вооружение русских поселенцев в Средней Азии. - Ташкент: 1926; Федоров Е., Ўрта Осиёда миллий инқилобий ҳаракат тарихи. - Ташкент: 1925 ва б.к. Кўзголонга алоқадор бўлган бошқа асарлар: Мустафо Чўкайўгли, 1916 йилги кўзғалиш ҳақида болшевиклар ёлғони, УТ. 1931, №24, 4-10-б.; Темирўгли (д-р Ўктой) Туркистондаги 16-йилги кўзғалиш, УТ, 1931, № 24; Каюмхон. 1916 йил кўзголови, МТ, 1966, №117, 3-13 б.; А.Инан, Туркистонда 1916 йилдаги аякланма, №12, 26 - 30 б.), мамлакат руслар томонидан босиб олинган.

Др.Боймирза Хайитнинг

"Туркистон Россия ва Хитой оралигида" китобидан